

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


Жиззах политехника институти

«Саноат технологияси» факултети

«ЭЭ ва физика» кафедраси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШГА ДОИР

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



ЖИЗЗАХ – 2010

Тузувчилар :

доц. Раббимов Э.А

катта ўқит. Назаров Ф.Д

асс. Хонтўраев И.

асс. Наримонов Б.

Такризчилар :

доц. Мустафоқулов А.

Вилоят электр тармоқлари корхонаси

бош мухандиси. Ахмедов. Ғ

Ушбу қўлланма давлат таълим стандартлари асосида ёзилган бўлиб, унда 5520200-“Электроэнергетика” таълим йўналишининг наъмунавий дастури доирасида битирув малакавий ишларини бажариш учун тайёрланган.

Қўлланмада битирув малакавий ишининг барча бўлимлари давлат таълим стандарти бўйича бажарилиши зарур бўлган ҳисоб ва график ишлари тартиб билан келтирилган. Битирув малакавий ишини бажаришга доир 10 та бўлимлардан иборат талаблар асосида талаба ёритиши керак бўлган технологик кўрсаткичлар мазкур қўлланмада ўз аксини топган. Ушбу рисола оддий ва тушунарли тилда баён этилган бўлиб, электроэнергетик мутахассислар учун энг зарурий қўлланма бўлади-деб ҳисоблайман.

Ушбу услубий қўлланма Жиззах политехника институти илмий-услубий кенгашининг 2010йил _____ № _____ мажлис баёни билан тасдиқланган.

КИРИШ

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон ҳўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат.

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири қандай бўлади, деган савол барча юртдошларимизни қизиқтириши табиийдир. Бу борада Президентимизнинг «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади» деган сўзларини яна бир бор эсга олиш муҳимдир. Ўз навбатида Ўзбекистоннинг глобаллашув жараёнларидаги иштироки ҳам ушбу инқироз оқибатларининг маълум даражада иқтисодиётимизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигидан дарак беради.

Шунга асосланган ҳолда, ҳукуматимиз томонидан инқирозга чоралар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топди.

Молиявий инқироз шароитида иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш борасидаги ишлар кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор муҳим фармон ва қарорлар орқали ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2008 йил 18 ноябрь), жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш, ишчи кучи бандлигига қўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналарини ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонлари шулар жумласидандир. Хусусан кейинги Фармонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган:

- маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

- давлат бюджетидан 491 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тижорат банклари устав жамғармаларини ва кредит ресурсларини кўпайтиришга йўналтириш орқали банklar томонидан экспорт қилувчи корхоналарга, айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- 2009 йилда энергия ресурслари нархларининг ўсиш даражасини 6-8 фоиздан оширмаслик;

- иқтисодиётда инфратузилмани тубдан яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистралли» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни, айнан янги ташкил қилинаётган кичик корхоналарни имтиёзли кредит ресурслари орқали қўллаб-қувватлаш;

маҳаллийлаштириш дастурига асосан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорини 3,1 баробарга ва шу борадаги лойиҳалар сонини 3,5 баробарга ошириш ва ҳоказо.

Иқтисодий тизимнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташаббуси билан амалга оширилаётган электр энергияси таъминоти тизимига хусусий операторларни жорий қилиш бўйича амалий тажриба натижаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур амалий тажрибани ўтказишдан мақсад фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, истеъмолчилар ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиш ҳамда истеъмол даврида электр энергияси йўқотишларни камайтиришдан иборат эди.

Ушбу мақсадга эришиш учун Тошкент шаҳар Бектемир тумани мисолида электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича мустақил (хусусий) операторни жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди. Бунда хусусий операторни танлаш бўйича махсус комиссияси тузилиб, тариф сиёсати ва шартнома лойиҳалари қатъий келишиб олинди. Жумладан, хусусий операторни танлаш шартлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- тегишли бизнес режанинг мавжуд бўлиши;
- хўжалик юритиш фаолияти бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши;
- электр энергиясини сотиш фаолияти учун камида муайян тумандаги электр энергияни истеъмол қилишнинг 3 ойлик миқдорига тенг молиявий маблағларга эга бўлиши;
- мавжуд дебиторлик қарздорликни ундиришни ўз зиммаси олиши;
- максимал баллга эга бўлиши ва шартнома тузиши;
- 30% миқдоридagi олдиндан тўлов ҳамда ҳар ойнинг якунидан сўнг 30 кун давомида якуний ҳисоб-китоб ҳисоботларини амалга ошириши.

Бундай илғор тажрибани оммалаштириш мақсадида ҳозирги кунда хусусий операторлар Тошкент шаҳрининг Бектемир, Сирғали, С.Раҳимов туманларида ҳам ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, хусусий операторларни жалб қилиш бўйича Андижон, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ишлар бошланган. Бундан ташқари, хусусий операторларни табиий газ ва сув таъминоти тизимига жалб қилиш бўйича кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йилда ишга туширилган ва ҳозирги кунда куриляётган йирик ишлаб чиқариш иншоотлар қаторида Фарғона водисини электр энергияси билан мунтазам таъминлаш имкониятини берадиган узунлиги 165 километрлик янги Ангрен иссиқлик электр станцияси –“Ўзбекистон” юқори кучланиш электр узатиш линияси барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сирдарё иссиқлик электр станциясини “Сўғдиёна” кучлантириш станцияси билан боғлайдиган, Ғузор-Сурхон юқори кучланишли электр узатиш тармоғи ва Тошкент шаҳри электр таъминоти объектлари лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

Халқ хўжалиги тараққиётини тезлаштиришнинг муҳим шартларидан бири – саноатнинг барча тармоқларида, жумладан, электротехникада ёнилғи – энергетика захираларини асосли равишда тежаш ҳисобланади. Энергияни тежашни жаддалаштириш халқ хўжалигини ривожлантиришни муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Мустақил давлат энергетикасини ривожлантиришнинг белгиланган ва амалга оширилаётган янги концепцияси – бутун жаҳонда бораётган янги йўналишни ўзида номоён этиб, ёқилғи сифатида фойдаланилаётган ёмон энергетика захираларини яхшироғи билан алмаштириш,

биринчи босқичда газ ва кўмрдан фойдаланиш ҳисобига истеъмолчининг билансидан нефтни сиқиб чиқариш, кейинроқ эса газни кўмир билан алмаштиришдан иборатдир.

Умумий ижтимоий – иқтисодий ваъзятдан келиб чиққан ҳолда, энергетика олдида бир қатор мақсадли талаблар кўйилмоқда;

2010 йилга келиб, халқ ҳўжалигининг энергия Билан таъминланганлигини меҳнат унумдорлигининг 2-2,3 марта ошиши учун (ишлаб чиқаришни механизациялаштиришга) зарур бўлган миқдорда ўсиши лозим;

- ҳозирги вақтда халқ ҳўжалигига ажратилаётган барча инвестициянинг катта миқдорини энергетикага инвестиция бериш ташкил этади, шунинг учун энергетикага йиллик инвестицияни жалб қилиш даражасининг ўсишини камайтириш, кейинроқ эса маблағ ажратишни бутинлай тўхтатиш;

- экологик жиҳатдан мумкин бўлган экологик объектлардан фойдаланишни таъминлаган ҳолда, энергетиканинг атроф – муҳитга салбий таъсир олдини олиш. Электр станцияларининг заҳарли моддаларни ҳавога чиқаришни 2005 йилда 1/3 га ва 2010 йилга келиб эса, 2 марта қисқартириш. Сўнги талаб фақат энергетикагина тааллуқли эмас. У биринчидан, истисносиз ҳолда бутун халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ва объектларида энергия таъминотини жадаллаштиришни кўзда тутди ва иккинчидан, халқ ҳўжалигининг кам миқдорда энергия истеъмол қиладиган тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилади.

- энергия таъминотини жадаллаштириш жараёни ўзида кўп миқдордаги йўналишларни умумлаштиради, жумладан, ёнилғи, иссиқлик энергиясини, электр энергиясини ишлаб чиқаришда йўналишининг олдини оладиган эскирган қурилмалар ўрнига янгиларини ўрнатиш ҳисобига энергияни қатъий тежаш; янги энергия технологиясига ўтиш; эскирган қурилмаларни, янги кўп даражада тежамкорроғи билан ва ҳоказо.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ ҳўжалигида ёнилғининг тежалишининг таъминлаш учун зарур бўлган харажатлар, ёнилғи ҳосил қилишни шу тежалган миқдордаги ҳажмга қадар кўпайтириш харажатлари қараганда (хусусан, биринчибосқичда) анча кам бўлади. Энергия таъминоти жадаллаштириш халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Унинг моҳияти меҳнат унумдорлигини оширишга маҳсулотни ишлаб чиқаришда энергия сарфини камайтиришга йўналтирилган барча самарадор тадбирлар комплексини тадқиқ этишдан иборат.

Энергия захираларини тежаш тадбирлари қуйидагилардан иборат;

- ишлаб чиқаришда энергияни тежайдиган технологияга ўтиш, ишлб чиқаришни ташкил қилиш даражасини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг материалга бўлган эҳтиёжини қисқартириш;
- энергетик қурилманинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, эскирган қурилмаларни қайта тиклаш ва қайтадан созлаш;
- кўп даражада самарадор бўлган энергия истеъмолчилари (электр ўтказгичлар ва бошқа энергия тежайдиган қурилмалар)ни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, уларнинг фаолият тартибини бошқаришни такомиллаштириш;
- иккиламчи ёниғи – энергетика захираларидан фойдаланиш ошира бориш ва уларнинг йўқолиш ҳажмини қисқартириш;
- энергия технологик жараёнларининг мажмуасини қўллаш.

Шунингдек, энергияни тежаш тадбирлари электр энергиянинг йўқотилиш ҳажмини ҳисоблашга доир масалани ҳал қилиш тартибини, ташкилотчилик ва жавобгарликни мустахкамлаш, режа ва иқтисодий рағбанлантириш ишларининг бажарилишини такомиллаштириш, ихтирочилик ва кашфиётчиликка доир бўлган илмий – техникавий ютиқларни амалиётга татбиқ этишни кўзда тутди.

Сўнгги пайтларда электр энергиянинг йўқотилиши атамаси билан бир қаторда бошқа, уни электр тармоқларига узатиш бўйича электр энергиянинг технологик сарфи атамасидан ҳам фойдаланилади. Агар электр энергиянинг йўқотилиши деганда, электр

энергиясини узатиш режимининг нотўғри юритилиши ва энергиясини узатиш режимининг нотўғри юритилиши ва энергия йўқотилишини камайтириш бўйича бошқа воситалар ҳамда тадбирлардан фойдаланилиши сабабли келиб чиққан ноишлаб чиқариш йўқотишларинигина назарда тутсак, бунинг ўзи электр энергиясининг технологик сарфи атамаси моҳиятининг катта қисмини ташкил қилади. Шубҳасиз, сўнгги атама умумийроқдир, чунки у ўзида зарур бўлган оптимал технологик сарфни ва ноишлаб чиқариш йўқотишларини ҳам номоён этади.

Агар энергиянинг йўқотилиши дейилганда, нафақат ноишлаб чиқариш, балки электр энергияни етказиш учун зарур бўлган оптимал йўқотишларни ҳам назарда тутсак, энергиянинг йўқотилиши ва электр энергиясининг технологик сарфи атамалари синонимлар ҳисобланади ҳамда бир хил англатади. Бундан кейин шубҳа туғдирмайдиган ҳолатларда ушбу атамалардан изоҳларсиз фойдаланилади.

Энергетика қурилмалари ва тармоқларида электр энергияси йўқотилишини камайтириш бўйича аниқ топшириқларни ҳал қилишда зарур бўлган у ёки бу тадбирни мақсадга мувофиқлигини тегишли илмий – техникавий – иқтисодий жиҳатдан асослаш зарур ҳисобланади. Бунга, албатта, ҳар бир тадбирнинг иқтисодий ва технологик самарадорлигининг ҳисоб – китоб киритилади. Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

- электр станцияларининг юкланишини, тизимлараро ва тизимларни ташкил қилувчи ҳамда энергия тизимларининг тақсимловчи тармоқлари, шунингдек, истеъмолчилар тармоқлари қувват оқимини кўшиб ҳисоблаганда электр энергетикаси тизимларининг иқтисодий жиҳатдан оптимал бўлган иш режимларини яратиш;
- энергетик тармоқ қурилишининг мақсадга мувофиқлиги;
- турли хил энергетика қурилмалари, хусусан оммавий синхрон электр ўтказгичлар ва бошқа электр энергияси истеъмолчиларнинг оптимал юкланиши;
- амалдагилардан фойдаланиш ва реактив қувватга ёрдам берувчи қурилмаларнинг мақсадга мувофиқроғини танлаш.

Долзарб вазифалар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- замонавий аҳволни тадқиқ қилиш ва электр тармоқларининг иш режим тўғрисидаги ахборотни йиғиш тизимини ривожлантириш бўйича тадбирларнинг мақсадга мувофиқроғини аниқлаш;
- олинган маълумотларнинг турли хил даражаларда ютилиш баҳоси билан электр тармоқларидаги электр энергиясининг технологик сарфини ҳисоблаш ва ўрганишнинг методлари ҳамда усуллари ишлаб чиқариш;
- электр тизимлари ва тармоқлари учун белгиланган режимларни ҳисоблаш методларини такомиллаштириш;
- электр энергиянинг технологик сарфини тахмин қилиш методларини ишлаб чиқариш ва электр энергиясининг йўқотилишини камайтиришга доир тадбирларни танлаш;
- электр энергиянинг технологик сарфини камайтириш ва уни электр тармоқларига етказиш бўйича белгиланган тадбирларни жорий этиш орқали ҳосил қилинган иқтисодий самарадорликни методик жиҳатдан баҳолаш усуллари ишлаб чиқариш ва такомиллаштириш.

Битирув иши яратиш устида ишнинг олиб борилиши талабага таълим беришнинг яқунловчи босқичи ҳисобланади. Битирув иши яратишнинг мақсади – лойиҳалаш техникасини келгусида такомиллаштиришга, саноат корхоналарининг электр таъминоти тизимидан фойдаланиш ва уни монтаж қилиш қобилятига эга бўлган ёш мутахассисни шакллантиришнинг ниҳояси ҳисобланади. Битирув иши шаҳар, микрорайон, етарли даражада йирик бўлган корхонанинг ёки унинг камида 10 МВт истеъмол қувватига эга бўлган қисмининг электр таъминоти тизимига бағишланган бўлиши лозим. Таъминот

кучланиши тармоқли – 35 Кв ва ундан юқори, шунингдек, гераторли 6 – 10 – 20 кВ миқдорда бўлиши мумкин.

Саноат корхоналарининг электр таъминотининг битирув иши лойихасини яратишда тежамлилик ва ишончлилик талаблари хизмат кўрсатишда хавсизлик ҳамда фойдаланиш ва монтаж қилишда қулайлик талабларига тўғри мувофиқ келиши лозим. Жамланган харажатлар ва фойдаланиш сарф – харажатлари миқдори кичик бўлганда корхонанинг электр таъминоти тизими ишончли ва сифатли электр таъминотини, ишлаб чиқаришнинг ўзига хослигидан келиб келиб чиқадиган бир қатор махсус талабларни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришни, зарур чизмаларнинг одидий ва мослашувчанлигини таъминлаши лозим.

Битирув ишини яратишга 520200 бакалавр мутахассислик бўйича тўлиқ бажарган ва академик қарздорлиги бўлмаган ҳамда битирув иши амалиёти бўйича синовдан ўтган талабларгагина рухсат берилади. Битирув иши мақсади талабларнинг олган билимларини чуқирлаштириш, мустақил ишлашларини, ихтирочиликларини, шунингдек, мураккаб муҳандислик вазифаларини бажаришда талабаларнинг малака ҳосил қилишларини, техникавий салоҳиятини ва ўз лойихасини Давлат имтихон комиссияси олдида саводли ҳимоя қила олиш кўникмасини ривожлантириш ҳисобланади.

Битирув иши фан ва техниканинг замонавий электр таъминоти тизими соҳасидаги сўнгги ютиқлари базасида олиб борилиши керак. Лойихалашда стандарт ва намунавий қурилмалардан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади, аммо бу бутунлай асослаб берилган оригинал чизмавий ечимлар ва тузилма (конструкция)ларни қўллашни истисно этмайди. Лойихада асосий эътибор электр таъминотини ишлаб чиқилган тизимини баҳолашнинг асосий мезонлари – талаб қилинадиган тўхтовсиз таъминотни таъминлаши ҳамда нормал ва фавқулодда режимларда ишончли ишлаши, шунингдек, электр юкланишининг ўсиш истикболини ҳисобга олишдан иборат бўлади. Техника хавфсизлиги, меҳнат ва атроф – муҳит эътибор бериш лозим. У ёки бу лойиханинг мақсадга мувофиқлигини белгилаш мезони, уни мақсадли вазифаларининг иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланишини эсдан чиқармаслик зарур.

1. Битирув иши мавзуси ва унинг асосий йўналиши битирувчи курсда, сўнгги ишлаб чиқариш амалиёти олдида белгиланади.

Диплом лоҳихаси одатда ўзида масалаларининг кенг кўламини қамраб олади ва шаҳар ёки йирик корхонанинг электр таъминоти тизимини лойихалаш, қайта ташкил этишга бағишланади.

Одатда топшириқнинг саволларидан бири батафсил кўриб чиқилади ва ишлаб чиқилади. Айрим ҳолларда тадқиқот тусига эга бўлган кўп даражада қисқа бўлган мавзу берилади. Шу билан бирга талаба янги принциплар ва усуллардан фойдаланиб, бирга талаб янги принциплар ва усуллардан фойдаланиб, белгилаб берилган топшириқни чуқур тадқиқ этади ва ишлаб чиқади.

2. Муҳим энергетик масалаларни ҳал қилиш учун муҳандис назарий билимларга эга бўлиши ва уларнинг ўз фаолиятида ижодий қулай бўлиши зарур. Бундай қўллай билишларнинг бошланғич босқичи берилган масалаларнинг ечимини топиш, тажрибавий (лаборатория) ишларини бажариш бўлса, кейинроқ эса, бир хил жавобни талаб қилмайдиган саволларни мустақил равишда қўйишини ва жавоб беришини талаб қиладиган курс иши ва битирув ишини яратиш ҳисобланади. Тажрибадан шу нарса маълумки, хусусан лойихалаш жараёнида талаба ўзининг билим ва имкониятларидан тўлароқ фойдаланган ҳолда катта қизиқиш билан иш олиб боради.

3. Талаба лойиха ишига киришишдан олдин бутунча тасаввур қилиши ва лойихага қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг режа – алгоритмини тузиши ҳамда фақат шундан сўнггина унинг айрим бандларини бажаришга киришиши лозим.

4. Хатолар миқдорини камайтириш ва ҳисоб – китоблар вақтини қисқартириш учун зарур маълумотлар ва натижалар берилиши лозим бўлган йиғма жадвалларни тузиш тавсия қилинади.
5. Иккита ёки кўп сонли талаблар билан комплекс лойиҳалашни қўллаш мумкин. Аммо комплекс лойиҳалашнинг топшириғи шундай тузилиши керакки, битта талабанинг иши иккинчисининг ишини тўхтатиб қўймасин, натижалар эса лойиҳаларнинг сўнггида умумлаштирилсин.
6. Зарур маълумотларин қидириб топиш учун талабаларнинг сарф қиладиган вақтини тежаш учун илова тарзида бир қанча китоблар, спрочниклар, лойиҳалаш ташкилотларидан олинган кенг маълумот берувчи манбалар танлаб олинган.
7. Лойиҳалаш жараёнидан қабул қилинган стандартлар белгилар, шакллар ва бошқа тавсиялардан фойдаланиш мажбурийдир.
8. Лойиҳа амалдаги Давлат стандарти талабаларига меъёрларга, электр техникаси ускуналарини ўрнатиш қоидалари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавсизлиги қоидалари ҳамда бирликларни белгилашнинг замонавий тизимлари (СИ) талабаларига жавоб бериши лозим.
9. талаба лойиҳалаштириш ташкилотлари томонидан қўлланилаётган наъмунавий ечимларни танлаш масаласидан хабардор бўлиши керак. Шу билан бирга, у янги рационал ечимларни таклиф қилган ҳолда наъмунавий ечимлардан узоқлашиши лозим.
10. Битирув иши мустақил ижодий иш ҳисобланади, шунинг учун маслаҳатчи техникавий ечимни талабага танлаб бериши ёки айтиб бериши мумкин эмас.
11. Битирувчи иши бажариш учун ўқув режасига мувофиқ вақт ажратилади. У тушунтириш матни ва чизма материаллардан иборат бўлади. Шу билан бирга, тушунтириш матни камида 80 бет қўл ёзувида ёзилган матндан (ёки 60 бет машинка ёзуvidан), чизма тасвир 24 – ўлчамдаги 4 – 5 варақ ёки ундан ортиқ бўлган чизмалардан, шунингдек, матннинг мазмунини очиб берувчи чизмалар, изоҳли суратлардан иборат бўлади.
12. Чизмалар ва жадваллар Лойиҳа ҳужжатларининг ягона тизими – ЛХЯТ / ГОСТ (Давлат стандарти) – 2.104-68 “Асосий ёзишмалар”, ГОСТ – 2.301-68 “Ўлчамлар” ва ҳакозоларга мувофиқ бажарилган бўлиши зарур.
13. Чизмалар қоидага кўра 24(594x846) ўлчамли варақда асосий ёзувни (бурчак штампини) варақнинг катта томонига имкон қадар ёнма – ён жойлаштирилган ҳолда бажарилади.
- СИ – нинг халқаро тизимга доир бирликларини лойиҳани бажаришда қўллаш зарур. Барча бирликларнинг белгилари давлат стандартларига мувофиқ келиши лозим.
14. Электрга оид бўлган чизмалар ГОСТ – 2.701 – 76, ГОСТ – 2,702 – 75, ГОСТ – 2,705 – 70 ларга мувофиқ; электрга оид бўлган чизмаларнинг жадвалларидаги белгилашлар эса ГОСТ – 2.721 – 74, ГОСТ – 2,748 – 68, ГОСТ – 2.750 – 68, ГОСТ – 2.755 – 74 ларга мувофиқ бажарилади. Асосий белгилар иловада келтирилган. Электрга оид бўлган чизмалардаги ҳар бир элементнинг олдида ГОСТ – 2.702 – 75 нинг талабага мувофиқ ҳарфли ёки ҳарфий – рақамли жой белгилари ҳамда номинал миқдорлар ёзилади.
15. Битирув ишини лойиҳасини бажаришнинг бориши кафедрада кўриқдан ўтказилади. Кўриқ кунида талаба кафедрага барча бажарган материалларини тақдим қилиши шарт.
16. Талабалар Битирув ишини ҳимоя қилишлари учун Давлат аттестация комиссияси (ДАК) тайинланади. Белгиланган муддат доирасида битирув ишини тайёрловчи ўз лойиҳасини раҳбарининг тақризи ва тўлиқ расмийлаштирилган ҳолда кафедрага тақдим этади. Тақризда талабанинг меҳнат интизомига риоя қилиши, талабалик ишининг мунтазамлиги ва бир маромдалилиги ёритилади.

17. битирув иши Давлат комессияси (ДАК) да химоя қилингунига қадар тақриз учун тақдим қилинади. Тақризчини факультет декани тасдиқлайди. Тақризда лойиҳани асосий муҳандаслик амалий ишига битирув ишини химоя қилувчининг тўғрисида фикр билдирилади. Тақризчи ўзининг хулосасида битирув ишини умумий ҳал қилишининг тўғрилигини ва лойиҳани техникавий даражасининг ҳозирги давр талабига мувофиқ кекладими ёки келмайдими, манфаатдор корхонанинг тажрибаси, шунингдек, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқлари, ватанимизда чоп қилинган ҳамда хорижий адабиётдан етарли даражада фойдаланилганми ёки йўқми эканлигини таснифлаб беради.

18. Битирув ишини химоя қилиш факультетда ёки айрим ҳолларда лойиҳа бажарилаётган мавзу бўйича тегишли корхонада ўтказиладиган Давлат аттестация комиссияси (ДАК) нинг очик йиғилишида муҳокама қилинади. Битирув ишини химоя қилувчига маъруза учун 10 – 15 дақиқа вақт берилади, у бу белгиланган вақт мобайнида лойиҳанинг мақсади, қабул қилган қарорлари ва уларнинг асосланиши, мазкур лойиҳанинг техникавий ўзига хослиги, техникавий – актисодий таҳлилнинг натижалари, меҳнатни муҳофазалаш бўйича тадбирлар ҳамда асосий хулосаларини баён қилиши лозим.

19. Лойиҳанинг раҳбари ва тақризчининг таризларини ҳисобга олган ҳолда химоянинг натижалари бўйича давлат имтиҳон комиссияси (ДАК) битирув ишининг баҳосини чиқаради ва битирув ишини химоя қилувчига 520200 – “Электр энергетика” йўналиши бўйича бакалавр унвони беради.

БИТИРУВ ИШИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР.

Битирув ишининг топшириқларини тузиш жараёнида раҳбар зарурат туғилган ҳолларда унга лойиҳага раҳбарлик қилиш учун ажратилган вақт доирасида топшириқ ҳамда унга белгиланган маслаҳатчининг исми шаърифини кўрсатган ҳолда лойиҳанинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчиларни таклиф қилишни кўзда тутати. Бу ҳар бир лойиҳа учун алоҳида маслаҳат соатлари режалаштириладиган иқтисод ва теника хавсизлиги бўйича маслаҳатларга тааллуқли эмас.

Лойиҳада қабул қилинган техник ечим ва ҳамма ҳисоблашларнинг тўғрилиги учун лойиҳанинг муаллифи – талаба жавоб беради.

Раҳбарлар ва маслаҳатчилар томонидан талабаларга маслаҳат машғулотларини ўтиш алоҳида жадвал бўйича камида ҳафтада бир маротаба ўтказилади, раҳбар лойиҳанинг тайёр ечимини талабага айтиб бериши ёки унга ечимни бериши мумкин эмас, балки талабанинг ўзи электр таъминоти қурилмаларининг оптимал параметрларини ва бошқа элементларининг чизмаларини мустақил равишда танқидий танлай олиши учун лойиҳалаш масалаларини ҳал қилишда турли вариантлик имкониятининг мавжудлигини тушунишинигагина ёрдам кўрсатиши лозим.

Раҳбар талабанинг лойиҳадаги принципал масалаларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлашига эришиши, уни замонавий чизмаларни, тузилмалар ва ҳисоблаш методларини такомиллаштиришга йўналтириш, лойиҳани яратувчанинг муҳандислик топшириқларини мустақил ҳал этишга доир ташаббусини қуллаб – қувватлаши ҳамда ҳар доим рағбатлантириб бориши лозим.

Битирув ишининг умумий муҳандислик ва илмий салоҳиятини узлуксиз равишда ошиб боришга эриша бориб, тушунтириш матнининг адабий талда баён қилиниши, грамматика ва тил услубига риоя этилишига алоҳида эътибор бериши зарур.

Талаба маслаҳатларда берилган маълумотлар, лойиҳалаш ишини ёзиш жараёнида вужудга келган ўзининг саволлари, шунингдек, барча қоралама ҳисоб – китобларини лойиҳалаш ишини яқунлагунига қадар махсус умуий дафтарга ёзиши шарт. Айни бир вақтда, талаба махсус дафтарга фойдаланиладиган техникавий адабиётларни ёзиб боришни давом эттириб бориши керак.

БИТИРУВ ИШИ ЯРАТИЛИНИНГ БОРИШНИ НАЗОРАТ ЭТИШ ВА УНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Битирув иши ёзишни бошлашга киришиш олдидан лойиҳа раҳбари ҳар бир талабага ишни айрим босқичларининг кўп меҳнат талаб қилишини тушунтириши ва бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда лойиҳа ишини яратишнинг бутун даври тақвимий (календар) иш жадвалини ишлаб чиқиши лозим. Раҳбар ҳар икки ҳафта ўтгач, лойиҳа бажарилишининг боришини текширади ҳамда талаба зарур ҳолларда ишни тайёрлашни қандай тезлаштиришини кўрсатиб, унинг тайёрлиги даражасини баҳолайди.

Битирув ишининг бажарилиши назорат этишни таъминлаш учун кафедрада раҳбарлар ва битирув ишини ёзаётган битирувчиларнинг ишлаб чиқариш йиғилиши ўтказилади. Унда талабаларнинг ҳисоботлари ва раҳбарларнинг лойиҳа устидаги ишнинг бориши тўғрисидаги маълумотлари тангланади.

ЯКУНЛАНГАН БИТИРУВ ИШИНИ ДАВЛАТ ИМТИҲОН КОМИССИЯСИ (ДАК) ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ.

Бутунлай яқунланган ва расмийлаштирилган, талаба ва маслаҳатчи томонидан имзоланган диплом лойиҳаси раҳбарга тақдим этилади. Битирув иши имзоланганидан сўнг ундаги матн ва чизмаларга ҳеч қандай тузатишлар ҳамда қўшимчалар киритишга рухсат этилмайди. Раҳбар тугалланган битирув ишини имзолагач, битирув ишни ёзаётган талаба тўғрисида ёзма тақриз ёзиши ва уни кафедра мудирига тақдим қилиши лозим.

Тақриз билан танишган кафедра мудирини тайёрланган диплом лойиҳасини тақризга беради, тақриз олинганидан кейин эса лойиҳани ҳимояга қуйиш ёки қўймаслик масаласи кафедра йиғилишида ҳал қилинади. Кафедра бу масалани ижобий ҳал қилса, лойиҳа Давлат аттестация комиссияси (ДАК) га топширилади.

Битирув иши белгиланган муддатда бажарилмай қолганда, шунингдек, тугалланган лойиҳада жиддий камчиликлар аниқланганда кафедранинг қарорига кўра, ушбу битирув ишининг ҳимояси Давлат имтиҳон комиссияси (ГЭК) нинг навбатдаги сессиясига қадар қолдирилиши мумкин. Шу билан бирга, талаба деканатнинг тақдими асосида чиқарилган ректорнинг буйруғига кўра, давлат имтиҳон комиссиясининг навбатдаги сессиясигача тузатиш ёки тузатиш шарти билан тақсимланган жойга ишга юборилади.

Тақризчилар кафедра томонидан Илмий тадқиқот ва лойиҳа институтлари, саноат корхоналари мутахассисларидан тайинланади.

БИТИРУВ ИШИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.

Университет бўйича чиқарилган тегишли буйруқ ёки деканатнинг фармойиши мавжуд бўлсагина, талабага битирув ишини ҳимоя қилишга рухсат этилади.

Битирув ишини ёзаётганларга лойиҳанинг ҳимоя санаси тўғрисида кафедра бўйича чиқарилган эълон 2-3 кун олдин хабардор қилинади.

Битирув ишини ёзаётганларга ҳимоя арафасида раҳбар ва расмий тақризчининг тақризи билан танишиш ҳамда кўрсатиб ўтилган камчиликларга розилигини билдириш ёки ўзининг этирозларини тайёрлаш имконияти берилади. Талабага ўз лойиҳасини Давлат имтиҳони комиссияси олдидан ҳимоя қилиши учун 20 дақиқа вақт берилади, шу сабабли ҳимоя олдидан унга ўзининг нутқи ва режасини миридан – сиригача ишлаб чиқиш тавсия қилади.

Битирув ишини ҳимоя қилиш жараёнида талабага амалий, шунингдек назарий характериға эга бўлган ҳар қандай савол берилиши мумкин.

Ҳимоя тугагандан сўнг Давлат имтиҳон комиссияси (ГЭК) ҳимоя натижаларини муҳокама қилади ва уларнинг университетдаги таълим даври мобайнидаги умумий ўзлаштиришни баҳолайди, шундан сўнг битирув ишининг баҳоси уни ёзганларга маълум қилинади.

БИТИРУВ ИШИДАН ҚОНИҚАРСИЗ БАҲО ОЛГАН ТАЛАБАЛАР ТЎҒРИСИДА.

Битирув иши Давлат имтиҳон комиссиясида ҳимоядан ўтиш жараёнида қониқарсиз баҳо олган талабаларга новбатдаги сессия такрорий ҳимояни тайинлаш билан бирга степендия бериш тўхтатиб қўйилади, ҳамда деканнинг тақдимига кўра ректорнинг чиқарган буйруғига асосан тақсимланган иш жойига ишга юборилади. Давлат имтиҳон комиссиясининг ҳимоя ишининг мажлис баёнида талабанинг назарий ва ишлаб чиқариш тайёргарлигидаги мавжуд камчиликлар такидлаб ўтилади. Уни ушбу лойиҳани такрорий ҳимоя қилишга (тузатишлар билан ёки тузатишларсиз) рухсат бериш ёки лойиҳа учун янги топшириқ бериш зарурлиги имкониятлари қайд этилади.

Давлат имтиҳон комиссиясининг қарори билан кафедра томонидан талабага топшириқ ва навбатдаги сессияга қадар календарь тартибидаги иш режаси берилади.

Навбатдаги сессияда ҳам битирув ишини ҳимоя қила олмаган талабага муҳандислик даражаси берилмасдан, ўқув режасидаги ўқиган фанлари ва улар бўйича топширган баҳолари рўйхати ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда институтдан ҳайдалади.

“САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ” ДАН ЁЗИЛАДИГАН БИТИРУВ ИШИНИНГ ИЛК МАНБАЛАРИ.

Битирув ишини ёзишнинг илк манбалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонанинг бош режаси ёки корхонанинг худуди бўйича асосий бинолар ва коммуникацияларнинг белгилари кўрсатилган ҳолда, унинг қисмлари.
2. Ўрнатилган электр қабул қилгичлар кўринишидан паст ёки юқори кучланишнинг электр юкмасини ҳисоблаш учун маълумотлар.
3. электр станцияси ёки кичик электр станция кўринишидаги таъминот манбаи унинг қуввати, кучланиши ва қисқа туташувчи тоқлар тўғрисидаги маълумотлар.
4. Техникавий – иқтисодий кўрсаткичларни ишлаб чиқариш учун маълумотлар.
5. берилган топшириқ учун электр таъминоти махсус шартлари

БИТИРУВ ИШИНИНГ ҲАЖМИ ВА МАЗМУНИ

Битирув ишидаги мажбурий масалалар қаторида қуйидагилар кўриб чиқилиши лозим:

1. Лойиҳанинг мавзуси ва ишлаётган мавзу юзасидан замонавий ечим баён қилинадиган – кириш қисми.
2. Электр таъминотининг ишончлилиги даражаси бўйича айрим истеъмолчиларнинг тойифаларини кўрсатган ҳолда корхонадаги технологик жараённинг умумий тавсифи.
3. Электр юкламаларнинг ҳисоб – катоб.
4. Юкламаларнинг йиллик ва бир кеча – кундузлик жадвалларини яратиш.
5. Юкламаларнинг картограммаси.
6. Реактив қувватнинг компенсацияси.
7. Тоқнинг ва кучланишнинг турини танлаш, оптимал кучланишларини асослаш.
8. Бош камайтирувчи кичик станция (ГПП)нинг жойлашган ўрнини ёки тегишли равишда, марказий тақсимлаш пункти (ЦРП), тақсимлаш пунктлари – Рпнинг жойлашган ўринларини танлаш.
9. Ташқари ва ички электр таъминоти чизмасини танлаш.
10. Техник – иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобининг иқтисодий қисми. Вариантларни техник – иқтисодий жиҳатдан қиёслаш.
11. Таъминот нуқтасидаги берилган кучланиш даражаси бўйича тармоқдаги асосий ва фавқулотда ҳолатларнинг электр ҳисоби.

12. Қисқа туташув токининг ҳисоб – китоби ва унинг барқарорлиги бўйича асбоб – ускуналарни танлаш.
13. Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва фуқоро муҳофаази.
14. Хулосалар.
15. Адабиётлар.

Битирув ишида ушбу масалалардан ташқари батафсил ишланган мавзулар бўйича алоҳида топшириқлар ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Битирув ишининг таркибида қандайдир бир тажрибавий қисмнинг, моделдаги ҳисоб – китобларни текшириш, ҳисоб – китоб столидаги ҳисобнинг ўзи, саноат корхоналарнинг электр таъминоти тизимини ҳисоблаш учун ЭХМ ва персонал компьютерлардан фойдаланган ҳолда алгоритминини ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдаги синов материаллари, энергия истеъмоли ва юламаларнинг аниқ жадвалларнинг ҳам бўлиши унинг ютиғи ҳисобланади.

Битирув ишининг сарварағи 1 – иловага мувофиқ ҳолда бажарилиши ва талаба, раҳбар ҳамда маслаҳатчи томонидан имзоланиши керак. Лойиҳанинг тушунтириш матни 100 – 125 бетдан иборат бўлиб, унда тегишли ҳисоб – китоблар бўйича қабул қилинган қарор баён этилиши ва асослаб берилиши лозим. У 210 x 297, 5мм стандарт ўлчамдаги қоғоз варағига сиёх билан ёзилган бўлиши лозим. Тушунтириш матни бўлимлар, боблар рақамларига эга бўлиши, шунингдек, саҳифалар рақамига ҳамда унда рўйхати бўйича тартиб рақами кўйилган ҳолда адабиёт манбаларидан келтирилган изохлар кўрсатилиши лозим. Тушунтириш матнининг ниҳоясида фойдаланилган адабиётларнинг рўйхатини бериш керак.

ЧИЗМА ҚИСМИ

Битирув ишининг чизма қисми А – 1 форматли (ўлчами) чизма қоғознинг 4 – 5 варағида бажарилади. Унга қуйидагилар киради.

- корхонанинг бош режаси ёки унинг юклама картограммалари ва юқори кучланишли тармоқлари билан бирга қисмлари;
- электр таъминотининг принципаал чизмаси, шунингдек, ушбу чизманинг техникавий – иқтисодий ҳисоб китобларида кўриб чиқилган вариантлари;
- электр таъминотининг принципаал чизмаси, шунингдек, ушбу чизманинг техникавий – иқтисодий ҳисоб китобларида кўриб чиқилган вариантлари;
- электр таъминоти тизим элементларининг лойиҳа чизмалари ва ҳоказолар.

Лойиҳанинг мазмунига боғлиқ равишда қуйидагилар варақда бажарилади;

1. Юклама картограммаси, транс, кичик станциялар ва электр тармоқлари линияси ёзилган корхона электр таъминотининг бош режаси.
2. Уларнинг техникавий – иқтисодий кўрсаткичлари қиёсланган жадваллари билан корхона электр таъминоти чизмасининг иккинчи варианты.
3. Корхона электр таъминоти бўйича танланган вариантнинг принципаал чизмаси.
4. Лойиҳавий чизмалар, ГПП, РП, ТПнинг режа – қисмлари.
5. Электр таъминотининг принципаал чизмаси ва ҳоказолар.

Битирув иши мазмуни бўйича маслаҳатлар

Кириш

Кириш қисмида энергетиканинг ривожланишни ва саноат корхоналар тузилишини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришдаги энг янги ютуқларини очиш керак. Шунингдек берилган саноат корхонанинг ривожланиш тарихи, ишлаб чиқариш маҳсулоти, технологик жараённинг умумий тавсифи, лойиҳанинг мавзуси, истеъмолчиларнинг тоифаларини ва саноат корхоналарининг электр таъминотини кўриб чиқиш учун илк манбалар.

Технологик жараённинг умумий тавсифи

Асосий цехлар, бўлимлар, биолар, корпуслар, технологик жараён ва унинг цехлардаги ўрнатилган технологик қурилмалар ва уларинг иш режимлари; истеъмолчиларнинг тоифалари, уларинг электр билан таъминлаш масалалари. Бўлимнинг охирида асосий ва ёрдамчи цехларнинг тўлик, жадвали келтирилган.

Жадвал 1

Асосий ва ёрдамчи цехларнинг йиғма жадвали

№	Цехнинг номи	Ўрнатилган қувват кВт	Истеъмолчиларнинг тоифаси	Юза м ²	
1	2	3	4	5	6

Электр юкламалар ҳисоби

Замонавий саноат корхонасининг электр таъминоти тизимини лойиҳалашда ечилиши керак бўлган мураккаб техник-иқтисодий масалаларнинг асосини кутилаётган электр юкламаларни тўғри аниқлаш ташкил этади.

Агар ҳисобий қувватни ошириб аниқланса, ўтказгич материалларнинг сарфини ошишига, трансформаторларнинг қувватини ошишига, электр таъминоти тизимини қимматлашишига, юкламани камайтириб аниқлаш эса, электр тармоқларнинг ўтказувчанлик даражасини камайишига, куч ва ёритиш қурилмаларининг тўла имконият даражасида ишламаслигига сабаб бўлади.

Саноат корхонаси электр таъминоти тизимининг ҳисобий қувватларни аниқлашнинг бир неча характерли жойлари (тугунлар) мавжуд:

1. Битта истеъмолчи томонидан ҳосил бўладиган юклама. Бу юклама асосида таъминловчи линиянинг кўндаланг кесими аниқланади ва коммуникация ҳамда, ҳимоя аппаратлари танланади.

2. Гуруҳ истеъмолчилари ҳосил қиладиган юклама. Бу юклама асосида истеъмолчилар гуруҳини энергия билан таъминлавчи магистралнинг кўндаланг кесимлари аниқланади, коммуникация ва ҳимоя аппаратлари танланади.

3. Цех трансформатор подстанциясининг (ТП) томонидаги шиналар юкламаси. Ушбу юклама асосида цех подстанциясининг трансформаторлар қувватлари ва сони, ТП га келувчи шиналарининг материали ва кўндаланг кесимлари, ҳимоя аппаратлари ва ТП га келувчи линиянинг кўндаланг кесимлари қабул қилинади.

4. Бош пасайтирувчи подстанциянинг (БПП) ва асосий тақсимловчи подстанциянинг (ЦРП) шиналаридаги ҳисобий юклама. Унинг қиймати базасида БПП нинг трансформаторлари қувватлари ва сони, юқори кучланишли линияларнинг кўндаланг кесимлари аниқланади. Ҳисобий юкламаларни турли усуллар орқали аниқлаш мумкин ва бу усулларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Қувват коэффициенти усули:

$$P_{\text{хис}} = K_t \cdot P_n \quad (1)$$

2. Солиштирма юклама усули:

$$P_{\text{хис}} = P_{\text{сол}} \cdot N \quad (2)$$

3. Тартибга солинган диаграммалар усули:

$$P_{\text{хис}} = K_i \cdot K_{n1} \cdot P_n \quad (3)$$

4. Электр энергиянинг йиллик сарфи:

$$P_{\text{хис}} = \frac{W_{\text{хис}}}{T_{\text{мах с}}} \quad (4)$$

4. Тақрибан статистик усули:

$$P_{\text{хис}} = P_{\text{ўрт}} + t\alpha \cdot \sigma_p \quad (5)$$

K_1 – талаб коэффиценти;

$P_{\text{сол}}$ – солиштира кувват;

N - истеъмолчининг технологик ўлчов катталиги, сони, юзаси, ўрни ва бошқ.;

W – йиллик истеъмол қилинган энергия;

T_m – кувватнинг йилдаги ишлатиш вақти;

K_i – максимум коэффиценти;

K_m – ишлатилиш коэффиценти;

$P_{\text{ўрт}}$ – математик кутиш;

σ_p – ўртача квадратик оғиш;

$t\alpha$ - нормаланган оғиш.

Энг аниқ усуллардан максимум ҳисобий юкламага асосланган усул бўлиб, бу ўртача кувват ва ишлатилиш коэффиценти негизида аниқланади. Ҳозирги вақтида бундай усуллар 2 та:

Саноат корхоналар ҳисобий кувватларни аниқлаш учун раҳбарлик кўрсатмаларда тавсия этилган усул ва инженер Н.П. Афанасьев усули. Иккала усул ҳам эҳтимоллик назариясининг асосий кўрсатмаларга асосланган.

Гаусс (бир кувватли ва бир хил уланиш K_u коэффиценти) қонунларига асосланиб, давомийлик бўйича юкламалар гуруҳлари учун тақсимлаш эгри чизиклари курилади. Шу эгри чизиклар асосида K_m максимум коэффицент аниқланади. Ҳисобий юклама сифатида $T=3$ $T_0=30$ мин вақт оралиғи ҳисобланган ўртача юклама қабул қилинади. Бу интервал кунлик графикнинг шундай қисми учун олинадик, унда 30 минутли ўртача кувват максимум бўлади.

$$P_{\text{хис}} = K_i \cdot P_{\text{ўрт}} = K_m \cdot K_i \cdot P_n$$

Бу ерда – K_i – энг катта юкламали схема учун ҳисобий юкламанинг ўртача юкламадан қанча катталигини кўрсатади.

P_n - гуруҳ истеъмолчиларнинг ўрнатилган йиғинди куввати.

K_m – қиймати истеъмолчиларнинг эффектив сони n_p ва K_u га боғлиқ.

Электр истеъмолчиларнинг эффектив сони n_p деганда бир хил режимда ишловчи, кувватлари тенг бўлган шундай истеъмолчилар сони тушиниладики, улар мавжуд ҳар хил режимда ишловчи ва кувватлари тенг бўлмаган истеъмолчилардек ҳисобий кувват содир қилади. Уни қуйидаги формула билан аниқланади:

$$n_p = \frac{\left(\sum_{i=1}^n P_i \right)^2}{\sum_{i=1}^n P_i^2} \quad (6)$$

Гуруҳдаги истеъмолчилар сони 5 тадан кўп бўлмаган ҳолларда бу формула тавсия этилади. Истеъмолчилар сони ҳақиқий истеъмолчилар сонига тенг деб ҳисоблаш мумкин.

$$m = (P_{n\text{max}}/P_{n\text{min}}) \quad (7)$$

Бу ерда $P_{\max}$, $P_{\min}$ – гуруҳга тегишли истеъмолчиларнинг энг каттаси ва кичигининг номинал қувватлари. Агар $m > 3$ ва $K_i \geq 0,2$ бўлса, истеъмолчиларнинг эффектив сони қуйидагича аниқланади:

$$n_3 = (2 \sum P_n / P_{n\max}) \quad (8)$$

Агар шу формула ёрдамида топилган n_3 ҳақиқийдан катта бўлса, унда $n_3 = n$ деб қабул қилиш мумкин.

Агар $m > 3$ ва $K_i \leq 0,2$ бўлса, n -истеъмолчиларнинг эффектив сони 5 жадвал 8 иловадан аниқлаш тартиби:

а) қўрилаётган тугундаги номинал қуввати энг катта истеъмолчини танлаб олиниб иккига бўлинади:

$$P_{n\max}/2 \quad (9)$$

б) энг йирик электр истеъмолчилар танлаб олинади. Уларнинг қувватлари $P_{n\max}/2$ қувватга тенг ёки катта уланган ва n_1 сон ҳисобланади.

в) қўрилаётган тугундаги ҳамма ишловчи электр истеъмолчиларнинг номинал қувватларининг йиғиндиси аниқланади: $P_{\text{ўрт}} \sum 1$

г) Нисбий қийматлар аниқланади:

$$n^* = n_1/n \quad \text{ва} \quad p^* = P_n/P_n \quad (10)$$

д) топилган n^* ва p^* қийматлар бўйича илованинг 5 жадвалидан n_3 қиймати аниқланади ва сўнггра

$$n_3^* = n_3/n \quad (11)$$

дан $n_3 = n_3^* \cdot n$ топилади.

Илова: $K_m = 1$ агар $n > 200$ ва K_n исталган

Агар $K_n > 0,8$ ва n_3 исталган бўлса

n_3 аниқлашда бутун гуруҳ номинал қувватини 5% ошмаган энг кичик электр истеъмолчиларининг йиғинди қуввати ҳисобга олинмайди.

Умуман цехлар, корпуслар, корхонанинг электр юкламаларини аниқлаш учун $P_{\text{ҳисоб}}$ (11) формула орқали аниқланади. Қайта қуриб чиқиляётган ёки янги лойиҳаланаётган цехнинг ҳисобий қувватини (3) формула n_3 орқали аниқлаш лозим;

K_m ва K_i тартибга солинган диаграммалар асосида.

Электр ёритув ҳисобий қувватни формула орқали аниқланади:

$$P_{\text{ҳисоб ер}} = K_{\text{тер}} \cdot P_{\text{ўрт.ер}} \quad (12)$$

Электр ёритув истеъмолчиларнинг ўрнатилган қуввати солиштирма қувват ($\text{Вт}/\text{м}^2$) бўйича аниқланади.

$$P_{\text{ўрт}} = P_{\text{сол.о}} \cdot F_i \quad (13)$$

Бу ерда: $P_{\text{ўрт.о}}$ – ёритув қурилмаларнинг ўрнатилган қуввати

$P_{\text{сол.о}}$ – солиштирма ҳисобий қувват

F_i – цехлар юзаси.

Электр таъминоти тизимининг тугунидаги (цехнинг, корпуснинг, бутун корхонанинг) ҳисобий юкламаси K_{Σ} юкламанинг максимумлар коэффициентини ҳисобга олган ҳолда алоҳида гуруҳ истеъмолчиларнинг ҳисобий юкламаларни йиғиндиси бўйича аниқланади:

$$S_{\text{хл.с}} = \sum_{i=1}^n K \sum \sqrt{(\sum_{i=1}^n P_x)^2 + (Q_x^2)} \quad \text{кВА} \quad (14)$$

Бу ерда $K\Sigma$ - юкламалар максимуми коэффициенти, истеъмолчиларнинг графикларини характериға боғлиқ равишда $0,85 \div 1,0$ деб қабул қилинади.

$\sum_{i=1}^n P_x$ - ҳисобий актив юкламалар йиғиндиси;

Завод бўйига у қуйидагига тенг:

$$\sum_{i=1}^n P_{x\text{зав}} - \left(\sum_{i=1}^n P_{xi\text{цех}} + \sum_{i=1}^n P_{x0\text{цехов}} + P_{осв.зав} \right) \kappa Bm \quad (15)$$

$\sum_{i=1}^n Q_x$ - ҳисобий реактив юкламалар йиғиндиси

$$\sum_{i=1}^n Q_{x\text{зав}} - \left(\sum_{i=1}^n Q_{pc\text{цех}} + \sum_{i=1}^n Q_{pc\text{цехов}} + Q_{осв.зав} \right) \kappa Bm \quad (16)$$

Электр юкламалар графиклари

Саноат корхоналарнинг электр юкламалари электр таъминоти тизимининг барча элементларини, тақсимловчи ва таъминловчи тармоқларни, завод трансформатор подстанцияларини ва уларнинг тақсимловчи тармоқларини аниқлайди.

Ўзгарувчан юкламалар ҳақида тўлиқ маълумотни унинг графиги беради. Графиклар юкламанинг туриға, давомийлик вақтиға ва электр таъминоти тизимида юкламанинг аниқлаш ўрниға қараб турланади. Юкламанинг туриға қараб актив қувват $P(t)$, реактив қувват $Q(t)$ ва ток $I(t)$ юкламалари графикларига бўлинади.

Хусусий график кўриниши электр системасининг ишлаш режими аниқлайди. Хусусий графиклар одатда катта қувватли истеъмолчиларни юкламаларини аниқлаш ва гуруҳ графикларини қуриш учун керак бўлади. Саноат корхоналари электр таъминоти тизими учун гуруҳий графиклар асосий ҳисобланадилар. Хусусий графиклар асосида гуруҳ графиклари чизилади.

$$\sum_{i=1}^n P(T) = P(t); \quad \sum_{i=1}^n Q(T) = Q(t); \quad I(T) = \sum_{i=1}^n i(t) \quad (17)$$

Электр юкламалари қишки ва ёзги кунлик графикларини чизиш учун талаба битирув иши олди амалиётида олган маълумотларини йиғади, ҳар соатдаги ҳисоблагичнинг кўрсаткичларини ёки справочниклардаги материаллардан фойдаланиб типик кундалик графиклар ҳисоблайди. (илова 7).

Жадвал 4.

Вақт	Ёзги		Қишки		Йиллик	
соат	Х	кВт	х	кВт	кВт	кВт.соат
1	2	3	4	5	6	7

Давомийлигига қараб, кунлик ва йиллик юкламалар графиги бўлади. Кундалик график ҳисобий максимал актив $P_{\text{хис}}$ ва реактив Q_x юкламаларни максимум даврда қувват коэффициентини аниқлаш имкониятини беради:

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{Q_{\text{хис}}}{P_{\text{хис}}} \quad (18)$$

1-расмга асосан кунлик актив электр энергия исрофи.

$$W_{\text{кун}} = P(t) + P_2 t_2 + P_3 t_3 = \sum_{i=1}^n P_i t_i \quad (19)$$

Йиллик юкламалар графиги бўйича йиллик актив энергия $W_{\text{й}}$ истеъмоли ва юкламалар максимумининг ишлатилиш вақти аниқлаш мумкин.

$$T_m = \frac{W_{\text{й}}}{P_{\text{хис}}} \quad (20)$$

Йил давомида алоҳида қурилмалар ва мосламаларнинг ишини характерлаш учун йилнинг асосий кунлик графиклари - қишки график ва ёзги график керак бўлади. Максимал ва минимал ($P_{\text{мах}}$, $P_{\text{мин}}$) йиллик юкламалар ўз ўрнида қишки ва ёзги юкламалар графиклари ҳисобланадилар, улар трансформаторнинг қувватини танлашда ҳисобга олинадилар. Ўзиёзар асбоб билан ёки ўлчов асбобларни қайд қилинади. Эксплуатация жараёнида қувватларнинг вақт бўйича ўзгаришини ҳисоблагичларнинг бир хил вақт интервалларидаги кўрсаткичлари асосида чизиш мумкин. Электр юкламалар графикларини қуриш учун маълумотларни жадвалдан олинади (7 кўр илова). Йиллик график юкломанинг давомийлиги бўйича қуриш учун Ўрта Осиё минтақаси қиш кунлари-178, ёзги кунлар сонини 187 га тенг қабул қилинади. Қишки ва ёзги кунлик ва давомийлик йиллик графигига асосланиб йил давомида қабул қилинган энергиянинг ($W_{\text{й}}$) миқдорини, корхонанинг йил давомидаги максимумнинг ишлашиш вақти $T_{\text{мах}}$ ва электр юкламалари характерловчи бошқа коэффицентларни аниқлаш мумкин.

Улар энергия исрофини ($\Delta W_{\text{и}}$), қувват (ΔS) ва кучланиш (ΔU) исрофларни ва бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлаш учун зарур.

Юкламалар картограммаси

Электр юкламалар картограммаси лойиҳачига электр юкламаларни корхона ҳудудида қандай тақсимланганлигини тасаввур қилиш имконияти яратилади. Чизилган доиранинг юзаси, олинган масштабда, цех юкламага P_i тенг бўлади.

$$P_i = \pi r_i^2 m \quad (21)$$

Юқоридаги формуладан доиранинг радиуси аниқланади:

$$r_i = \sqrt{P_i / \pi m} \quad (22)$$

Бу ерда: P_i – I – цехнинг ҳисобий актив қуввати

m - доира юзини аниқлаш учун масштаб.

Цехнинг юкламалар марказини аниқлаш учун юкламалари унинг юзаси бўйича текис тақсимланган деб фараз қилиш мумкин. Бу ҳолда цех юкламалар маркази цех шакллариининг геометрик шаклнинг маркази билан устма-уст тушади. Юкламалар марказини аниқроқ топиш учун цехнинг бошқа нуктада тақсимланади ва юкламалар маркази жисмнинг оғирлик маркази билан устма-уст тушмайди. Юкламалар марказини

топиш тенг таъсир қилувчи параллел кучларнинг таъсир этувчи нуқтасини топишга ҳаракат қилинади.

Агар корхона кўп қаватли бинога жойлашган бўлса, учинчи координатасини (z) ҳам ҳисобга олиш керак.

Цехнинг оғирлик марказлари ва электр юкламаларини ўхшатиш натижасида уларнинг марказлар координатларини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$X_0 = \frac{\sum_{i=1}^n P_i X_i}{\sum_{i=1}^n P_i} \quad Y_0 = \frac{\sum_{i=1}^n P_i Y_i}{\sum_{i=1}^n P_i} \quad (23)$$

Амалиётда, саноат корхоналарнинг электр таъминоти тизимини лойиҳалашда учинчи координати (г) ни ҳисобга олинмайди, агар қуйидаги шарт бажарилса:

$$L \geq 1,5 h \quad (24)$$

Бу ерда: L – цехнинг юкламалар марказидан заводнинг юкламалар марказигача бўлган масофа.

h – бинонинг баландлиги.

Корхонанинг юкламалар маркази худди шундай аниқланади. Бу усул ўзининг соддалиги ва осон тасаввур қилина олиши ва ЭХМ да ечиш билан ажралиб туради.

Юкламалар картограммасини куриш учун ҳисобланган маълумотларни 5-жадвалда ифода қилинади. Энг катта қувватли цехнинг қийматига боғлиқ равишда m масштаб ҳисоблаймиз.

БПП иложи борица заводнинг электр юкламалар марказига яқин жойлаштириш зарур:

Жадвал 5

№	Цехлар номи	P _{ҳис}	X _i	Y _i	P _i	α
1	2	3	4	5	6	7

Кучланишни танлаш

Электр таъминоти схемаларда кучланишнинг қийматини танлаш маъсулиятли масаладир, чунки қабул қилинадиган электр энергияси кучланишни қийматининг тўғри қабул қилишини, узатиш линиялари материаллари, қурилмаларининг, капитал маблағлар ва эксплуатация жараёнидаги сарф харажатларнинг, эксплуатация шароитига ва тармоқнинг кейинчалик ривожланишга боғлиқ.

Тармоқ схемасида кучланишни танлаш биргаликда олиб бориш керак, чунки ҳар хил кучланишларда кўп ҳолларда схемалар фарқи мақсадга мувофиқ эмас бўлади.

Олдиндан кучланишларни бир нечта қийматларини оламиз. Саноат корхоналар истеъмолчиларнинг электр таъминотини 6 кВ ва 10 кВ кучланиш орқали амалга ошириш мумкин, асинхрон моторларни ишини эътиборга олиш керак (6 кВ кучланишда).

Агар завод тармоғида 10 кВ кучланиш қабул қилсак, цех ТП ларга яна қўшимча ТП-10/6 кВ трансформаторларни ўрнатиш лозим бўлади, бу эса фақатгина капитал маблағларни эмас йиллик эксплуатация жараёнидаги сарф харажатларни ҳам ошишига олиб келади. Завод электр таъминоти тақсимловчи тармоғига 6 кВ кучланишли цех тармоқ учун 0,38 кВ кучланиш тавсия этилади.

Агар корхонада 6 кВ ли синхрон моторлар бўлмаса, завод электр тақсимловчи тармоқни 10 кВ ли қилиб бажариш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Реактив қувватни компенсациялаш. Компенсацияловчи қурилмаларнинг қувватини танлаш

Реактив қувватни компенсациялаш халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлиб, электр таъминоти тизимининг иш коэффицентини ошириш, унинг иқтисодий ва сифат кўрсаткичларини яхшилашда асосий амаллардан бири ҳисобланади.

Саноат корхоналарда қувват коэффицентини ошириш завод тармоғига реактив қувватни ишлаб чиқарувчи статик конденсаторлар орқали амалга оширилади.

Синхрон двигателлар бор цехларда статик конденсаторлар танланмайди, чунки қувват коэффиценти 0,93 дан катта бўлади.

БПП ва БТП 6-10 кВ шиналардаги электр қурилмаларнинг ўртача вазнли қувват коэффиценти қуйидаги норматив қийматларга эга бўлиши керак:

1. Генератор кучланишдаги электр станцияларнинг генераторлардан таъминланганда $\cos\varphi=0,8$;
2. Электр станциялардан таъминланадиган 35 кВ ли тармоқ ва 110-220 кВ ли район тармоқларидан таъминланганда $\cos\varphi=0,93$;
3. 110-220 кВ ли район тармоқлардан таъминланган 35 кВ тармоқларнинг $\cos\varphi=0,95$;

Агар компенсацияловчи қурилманинг зарурий қуввати 5000-10000 кВАр ошса, техник-иқтисодий текширишдан сўнг истеъмолчи олдида синхрон компенсаторни қўйиш рухсат этилади.

Шина ўтказгичдан ўрнатилган конденсатор батареяларнинг қувват ПУЭ га асосан 50 кВАр кичик бўлмаслиги тавсия этилади. 0,4 кВ кучланишли цехларда статик конденсатор батареялари қўллаш фойдалироқ, чунки завод электр таъминоти тизимидаги кабеллардаги исрофларни камайтирали.

Компенсацияловчи қурилмаларнинг қувватини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$Q_k = P_x (\operatorname{tg}\varphi_1 - \operatorname{tg}\varphi_2) \quad (25)$$

Бу ерда: P_x – актив ҳисобий қувват

$\operatorname{tg}\varphi_1$ – компенсацияга қадар фазар силжишитнинг бурчак тангенси

$\operatorname{tg}\varphi_2$ – норматив бурчак тангенси.

Реактив қувватни компенсациялаш учун конденсатор батареялар керакли сонини аниқлаш формуласи:

$$n_i = \frac{Q_{ку}}{Q'_{ку}} \quad (26)$$

Бу ерда: $Q'_{ку}$ – битта конденсатор батареянинг реактив қувват катталиги.

Компенсациялаш учун КС типдаги 14, 16, 20, 25, 28, 36, 40, 50, 75, 108, 150 кВАр реактив қувватли 0,38 кВ кучланишли конденсатор батареяларини танлаш тавсия этилади.

Цехнинг реактив қувватини компенсациядан сўнг қуйидаги формуладан аниқланади:

$$Q_{пк}=Q_x-Q_{кy} \quad (27)$$

Компенсациядан сўнг тўла қувват:

$$S_{пк} = \sqrt{P_x^2 + Q_{пк}^2} \quad (28)$$

Ҳисобларни 6-жадвалга жойлаштирамиз.

Компенсациядан олдин ва компенсациядан сўнг завод цехларининг қувватлари.

Жадвал 6

№	Цехлар номи	ТП сони ва қуввати	Компенсацияни ҳисобга олмаган ҳолда					Компенсацияни ҳисобга олган ҳолда			
			Истеъмол тоифаси	P _x	Q _x	S _x	cosφ/ tgφ	Q _x	S _x	cosφ/ tgφ	ҚУ тури ва сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

БПП, МТП, ТП ўрнатиш жойини аниқлаш Трансформаторларнинг сони ва қувватини аниқлаш.

Трансформатор подстанциянинг типи ва жойлашиш ўрнини танлаш асосан электр юкламаларнинг катталиги ва характериға, уларнинг корхонанинг бош планда ва ишлаб чиқарувчи объектлардаги жойлашишига боғлиқ. Цех трансформаторларнинг сони қувватини танлаш. Исталган тоифали истеъмолчиларни битта ва икки трансформаторли подстанция таъминлаши мумкин. Бир трансформаторли подстанциялар 3 тоифали истеъмолчиларни таъминлаш учун кўпроқ қўлланилади. Лекин иккинчи тоифали истеъмолчиларни бир трансформаторли подстанциядан (захирадаги трансформаторни бирор соат давомида алмаштириш имконияти бўлганда) энергия билан таъминлаш мумкин.

Агар 1 тоифали истеъмолчиларнинг юкламаси умумий юкламадан 15-20% ошмаса, агар иккиламчи кучланишли маъсул истеъмолчиларни захирадаш имконияти бўлса, бир трансформаторли подстанция вариант қабул қилса бўлади. Агар 1 ва 2 тоифали истеъмолчилар кўпроқ бўлса ва уларнинг электр таъминотида узилишига рухсат берилмаса, унда икки трансформаторли подстанцияларни қўллаш керак. Шунингдек, икки трансформаторли подстанциялар унча маъсул бўлмаган истеъмолчиларни таъминлашда ҳам қўлланилади, агар трансформаторни жойига шароити тақозо этса.

Подстанцияларда трансформатор сони 2 дан ошиши истисно ҳолларда рухсат этилади. Бунда цехда ҳар хил кучланишли истеъмолчилар мавжуд бўлса, катта қувват юкламалар мавжудлигида ва подстанцияларни тақсимланган ўрнатиш жойи йўқлигида қўлланилади. Бир трансформаторли подстанцияларда, иккиламчи кучланишда резервсиз 2 тоифали истеъмолчиларни таъминлаганда, ишчи режимдаги ҳисобий юклама бўйича трансформаторнинг қуввати қуйидагича танланади:

$$S_T \geq S_x$$

Иккиламчи кучланишда икки бир трансформаторли подстанциялар орасида алоқа бўлса, трансформаторнинг қуввати захираланган қўшни юкламанинг қисмини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Бир трансформатор ишдан чиқса, иккинчиси бузилган трансформаторни таъминлаш ёки алмаштиришга кетадиган вақт оралиғи учун 100% ли ишончлиликини таъминлайди.

380-660 В иккиламчи кучланишли цех подстанцияларнинг трансформаторларнинг чегаравий бирлик қуввати 1600-2500 кВА ташкил этади. Шунинг учун ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилаётган номинал кучланишли 600 В гача; номинал ток 400 А гача ва ўчириш токи 65 кА-380 В ва 50 кА-600 В гача бўлган автоматни ўрнатиш тавсия этилади. Подстанциянинг тури ва ўрнатиш жойи юкламанинг катталиги ва характери ва бош пландаги ва корхонанинг ишлаб чиқариш объектларининг тақсимлашишига боғлиқ.

Саноат корхоналари истеъмолчиларнинг электр таъминотида зарур бўлган цех трансформаторнинг сони, қуввати, типии ва ўрнини танлашда қуйидаги тартиб тавсия этилади:

1. Корхонанинг бош планида алоҳида объектлар ёки корхонанинг бўлимларини ёки кучланиши бўйича, токнинг тури ва ишга тушиш тартиби бўйича цех юкламаларни чизилади. Юкламалар маълум бир масштабда айлана тузилади. (юкламалар картаграммаси)

2. Электр юкламаларни қандай тақсимланганлиги ва тақсимланган юкламаларнинг марказлари аниқланади.

3. Олдиндан подстанциянинг ўрнатиш жойлари белгиланади ва улар орасидаги юкламаларнинг тақсимои кўриб чиқилади.

4. Подстанциянинг тури, унинг тақрибан габарити, технологлар ва қурувчилар билан келишилган ҳолда ўрнатиш жойи белгиланади.

Ҳамма қувватли ва кучланишли трансформатор подстанциялар мумкин қадар юкламалар марказига яқинроқ жойлашиши муҳим аҳамиятга эгадир. ТП ва бошқа коммутация тугунлар аксинча, тармоқнинг таъминлаётган бўлимларининг чегарасида шундай жойлаштириш кераклиги, электр энергиясининг тескари томонга узатилишига йўл қўймаслик керак, чунки бундай талаб бажарилганда ўтказгич материаллари тежалади ва электр энергия нобудгарчилиги ва капитал маблағлар камаяди.

Цех ТП жойлашуви электр энергияни тақсимотини радиал ва экономик схемаларини қуришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Жойлашишига қараб қуйидаги цех подстанцияларга бўлинади:

1. Цех ичидаги подстанциялар, бинонинг контурига бириктирилган;
2. Цех биносига ташқи томондан бириктирилган (очиқ ёки ёпик) подстанциялар;
3. Алоҳида турувчи подстанция, цехлардан алоҳида тузувчи.

Саноат корхоналарда турли хил конструкциядаги ТП лар қўлланилади. Ҳозирги вақтда комплект ички трансформатор подстанциялар (ИКТП) ва ташқи комплект трансформатор подстанциялар (ТКТП) кенг қўлланилмоқда. Улар 6-10 кВ ли кабел ва ҳаво линияларни боғлаш учун мўлжалланган. КТП 3 асосий 6 ёки 10 кВ ли кириш қурилманинг тугунлари, куч трансформатор ва ТҚ 0,3 кВ ташкил топади.

ТП сони ва қувватини танлашда қуйидагилар тавсия этилади:

1. Цех подстанцияларнинг трансформаторларини кўпроқ бир типлигини ҳаракат қилиш керак.

2. 1000 кВА қувватли трансформаторларни чегараланган фавқулотда ҳолатларда қўллаш керак, бунда бир фазали электр истеъмолчиларни кўп мавжуд бўлса.

3. Икки трансформаторли подстанцияларда ҳар бир трансформаторнинг қуввати шундай танланадики, трансформатор нормал ва авария режимини ҳисобга олган ҳолда 1 ва 2 тоифали истеъмолчиларнинг юкмасини тўла кўтара олиш керак, унда 3 тоифали истеъмолчилар вақтинча ўчириб қўйилиши керак. Бунинг учун икки трансформаторли подстанциянинг номинал қуввати цехнинг умумий ҳисобий юкмасининг 70% тенг деб қабул қилинади. Шунда битта трансформатор ишдан чиқса, аварияни бартараф қилиш вақтида иккинчисининг юкмаси 140% дан ошмаслиги лозим, бундай юкланиш аварияли ҳолатларда рухсат этилади.

ТП сони ва қуввати қуйидагича танланади:

- а) истеъмолчининг юклама графиги ва ҳисобланган максимал қувват қиймати бўйича;

- б) истеъмолчиларнинг тоифалари (1 тоифали истеъмолчиларни ҳисобга олган ҳолда) бўйича;
- в) капитал маблағ ва эксплуатация шароитида сарф харажатларни ҳисобга олган ҳолда келтирилган вариантлардан трансформатор-ларнинг сони ва қуввати техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича;
- г) иқтисодий мақбул режим бўйича (бу режим қуввати ва энергия исрофларини энг камини таъминлайдиган)

Авария ҳолатида битта трансформатор ишдан чиқса, ишловчи трансформаторлар 1 тоифали истеъмолчиларни 100% тўлиқ таъминлаши ва 2 тоифали истеъмолчиларнинг юкмасини 70% таъминлаши лозим, 3 тоифали истеъмолчилар авария режимида вақтинча ўчириб қўйиши мумкин. Цех трансформатор подстанцияларда 1000 кВА ли бир ёки икки трансформаторли КТП қўллаш тавсия этилади. ТП ни таъминлайдиган цехларнинг юкмасини юклаш коэффиценти. $K_3=0,7\div 0,8$ тенг бўлган нормал режимдаги трансформаторларнинг юкланиш коэффицентини ҳисобга олган, танлаш тавсия этилади. Худди шундай ҳамма ТП трансформаторларнинг сони ва қуввати танланади ва 7 жадвалга келтирилади.

Трансформатор подстанцияларнинг типи ва қувватини танлаш.

Жадвал 7

№	Цехнинг номи	Sx кВА	Истеъм тоиф	Транс-р сони	Транс-р ва тип сони	генплан ТП номлари
1	2	3	4	5	6	7

Бош пасайтирувчи подстанцияни ҳисоби.

Агар ЭУЛ кучланиши цех подстанциялари юқори кучланишидан катта бўлса корхонада бош пасайтирувчи подстанция (БПП) ўрнатилади. Бунда подстанция трансформаторлари корхона электр истеъмолчиларнинг тоифалари бўйича юкланиш коэффицентлари орқали танланади. Унга кўра 1-тоифали истеъмолчилари учун $K_3=0,65-0,75$, 2-тоифали учун $K_3=0,75-0,85$, ва 3-тоифали учун эса $K_3=0,85-0,95$ оралиқда бўлиши керак. Подстанциялардаги трансформаторларни юкланиш коэффицентини қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$K_3 = \frac{S_{\text{ЮК}}}{n \cdot S_{\text{НТ}}};$$

Бу формулада $S_{\text{ЮК}}$ - корхонанинг ҳисобий қуввати;

n – 2та - подстанциядаги трансформаторлар сони бу катталик кўпинча иккига тенг.

Трансформаторнинг қувват исрофи:

$$\Delta P_{TP} = n \cdot (\Delta P_K \cdot K_3^2 + \Delta P_O)$$

бу ерда ΔP_K -қиска туташув қувват исрофи, кВт;

ΔP_O -салт ишлаш қувват исрофи, кВт.

Бир йиллик электр энергия исрофи:

$$\Delta \mathcal{E}_{TP} = n \cdot (\Delta P_K \cdot K_3^2 \cdot \tau + \Delta P_O \cdot T_{ВКЛ})$$

Бу формулада: τ - энг катта исрофлар вақти

$T_{ВКЛ}$ - трансформаторнинг бир йиллик ишлаш вақти бўлиб, ўчирилмасдан ишлайдиган трансформатор учун қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$T_{ВКЛ} = 365 \cdot 24 = 8760 \text{ соат}$$

Юкланиш коэффициентига меъёрий қийматига тўғри келган трансформатор номинал қуввати аниқланади. Унинг паспорт параметрлари маълумотномадан езиб олинади ва 8-жадвал тўлдирилади.

8-жадвал

Трансформатор типи	$P_{НОМ}$ кВА	$\frac{U_{ЮК}}{U_{НК}}$	P_K , кВт	P_O , кВт	I_O %	U_K %

Ташқи электр таъминоти ҳисоби

ЭУЛ ни ҳисоблаш кучланишни танлашдан бошланади. Кейин ҳисобий ва шикастланиш тоқларини ҳисоблаш орқали ЭУЛ ни кесим юзаси ва типи аниқланади. Кейинги босқичда ЭУЛ даги исрофлар ҳисобланади. Дастлаб ЭУЛ нинг кучланиши аниқланади. Бунда иложи борида пастроқ кучланиш танлашга ҳаракат қилинади. Чунки, ЭУЛ капитал харажатлари арзонроқ бўлади. Бошқа томондан исрофлар кучланишга тескари мутаносиб бўлади. Исрофлар меъёрий кўрсаткичдан кўп бўлса кучланишни ошириш талаб этилади. Масалан, энерготизимдан 110 кВ, 35 кВ ва 10 кВ ли кучланишли ЭУЛ ўтказиш мумкин бўлса, одатда аввал кучланиши 10 кВ ЭУЛ ҳисобланади. Исрофлар меъёрий кўрсаткичдан катта бўлса 35 кВ ли ЭУЛ ҳисобланади. Бунда ҳам исрофлар меъёрий кўрсаткичдан катта булса 110 кВ ли ЭУЛ ҳисобланади. Агар кучланиш исрофи меъёрий кўрсаткичдан катта фарқ қилмаса ЭУЛ кўндаланг кесим юзасини ошириш ёки линиялар сонини ошириш тавсия этилади. Агар иккита кучланишда ЭУЛ ўтказиш имконияти бўлса уларнинг техник-қисодий кўрсаткичлари таккосланиб, келтирилган йиллик харажатлари камроқ бўлган вариант танланади.

Ҳисоблашлар ҳисобий токни аниқлашдан бошланади. Радиал линиялар учун ҳисобий ва шикастланиш тоқлари қуйидагича ҳисобланади:

Шикастланиш токи параллел линиялардан бири узилган ҳол учун ҳисобланади:

$$I_{хис.ав} = \frac{S_{ЮК}}{\sqrt{3} \cdot U_{НОМ}};$$

бу ерда $S_{ЮК}$ - корхонанинг умумий тўла юкламаси, п-параллел линиялар сони.

Танланган ЭУЛ симининг рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта бўлиши керак. Иловадан шу қийматга яқин ва катта кесим юзасини танланади. Симнинг типи, кесим юзаси, актив ва реактив солиштира қаршилиги езиб олинади. 35-110 кВ ли линияларда солиштира реактив қаршилик $X_o = 0,4$ ом/км деб олинади. Линиянинг актив ва реактив қаршиликлари қуйидагича ҳисобланади:

$$R_L = R_o \cdot L_L;$$

$$X_L = X_o \cdot L_L;$$

Олинган натижалар асосида ЭУЛ даги қувват ва кучланиш исрофлари ҳисобланади:

Актив қувват исрофи:

$$\Delta P_L = 3 \cdot I_x^2 \cdot R_o \cdot l_L;$$

Реактив қувват исрофи:

$$\Delta Q_L = 3 \cdot I_x^2 \cdot X_o \cdot l_L;$$

Кучланиш исрофи:

$$\Delta U_L = \sqrt{3} \cdot I_x \cdot (R_o \cdot \cos \varphi + X_o \cdot \sin \varphi) \cdot l_L;$$

Бу ерда $\cos \varphi$ - корхонанинг қувват коэффиценти олинади. Кучланиш исрофининг фоиз миқдори:

$$\Delta U\% = \frac{\Delta U_{KL}}{U_{НОМ}} \cdot 100\%;$$

Ташқи электр таъминотини электр узатув линиядаги кучланиш исрофи 5% дан ошмаслиги лозим. Агар кучланиш исрофи бу кўрсаткичдан катта бўлса линия кучланиши ёки линиялар сони оширилади.

Кабель линияларни ҳисоби

Корхонанинг ички электр таъминотини лойиҳалашда кабель линиялари рухсат этилган ток бўйича танланади. Бунда кабель линияси истеъмолчиларини тўла юкламаси асосида ҳисобий ва шикастланиш токи аниқланади. Кабелни рухсат этилган давомли токи шикастланиш токидан катта бўлиши керак.

Кабел линиясининг ҳисобий токи

$$I_{хис.} = \frac{S_{ЮК}}{n\sqrt{3} \cdot U_{НОМ}};$$

Радиал линиялар учун ҳисобий ва шикастланиш токлари қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{хис.ав} = \frac{S_{ЮК}}{\sqrt{3} \cdot U_{НОМ}};$$

Танланган кабелнинг паспорт параметрлари. Масалан, Типи ААШВ 3х50: $R_o = 0,62$ Ом/км, $X_o = 0,08$ Ом/км.

Кабел линиясининг актив ва реактив қаршилиги

$$R_{KL} = R_o \cdot L_{KL}; \text{ (Ом)}$$

$$X_{KL} = X_o \cdot L_{KL}; \text{ (Ом)}$$

Кабел линиясининг қувват исрофи

$$\Delta P_{KL} = I_x^2 \cdot R_o \cdot l_{KL};$$

Кабел линиясининг кучланиш исрофи

$$\Delta U_{KL} = \sqrt{3} \cdot I_x \cdot (R_o \cdot \cos \varphi + X_o \cdot \sin \varphi) \cdot l_L;$$

Кучланиш исрофининг фоиз миқдори

$$\Delta U\% = \frac{\Delta U_{KL}}{U_{НОМ}} \cdot 100\%;$$

Кабел линияларини ҳисоблаш

КЙ номери	Истеъмолчи цехлар	I_{AB} А	I_{DD} А	Кабель кесим юзаси ва типи	R_o Ом	L_{KL} Ом	$\Delta P_{\text{л}}$ кВт	ΔU %
КЙ-1								
КЙ-11								

Қисқа туташув тоқларнинг ҳисоби

Саноат корхонасининг электр таъминоти қабул қилинган схемаси учун БПП, МТП тақсимловчи қурилмаларни электр қурилмаларини электр аппаратларини кабелларни, шиналарни танлаш керак. Электр аппаратлари ўтказгичларни давоми иш режаси шароити бўйича танланиб, кейин эса қисқа туташув токи таъсирига чидамлилигига текширилади, шунинг учун электр аппаратларини танлаш учун қисқа туташув тоқларини ҳисобланади. Бундан ташқари қисқа туташув тоқларининг ҳисоби ҚТТ чегаралашни текширишини ва шу тоқларни чегаралашнинг энг мақбул усулини топиш имконини беради.

Ўтказувчи аппаратнинг қисқа туташув режимида чидамлилигини текшириш учун шу текширилаётган аппарат уланган занжирдаги бошланғич аperiодик ҚТ токини ҳисоблаш лозим. Қисқа туташув ҳисобий тоқлар лойиҳа бераётган томонидан танланади. Корхонада БПП мавжуд бўлса, қисқа туташув токи қуйидаги нуқталарда ҳисобланади.

1. Ташқи электр таъминоти тизимининг кабел ва ҳаво линияларининг бошида;
2. Ташқи электр таъминоти тизимининг линиянинг охирида;
3. 6-10 кВ БПП шиналарида;
4. БПП дан энг узоқ жойлашган цех трансформатор подстанциянинг юқори томонида.

Агар БПП дан шу подстанциягача бўлган масофа кичик бўлса, шу нуқтада ҚТ ҳисобланмайди ва аппаратлар 3- нуқтадаги ҚТ токига цех ТП текширилади.

5. Бирор бир цех подстанциянинг қуйи томонида ҳисобий схема сифатида қурилманинг нормал схемаси қўлланилади, бунда электр станцияларининг генератор ва трансформаторлари параллел ишлайдилар. Учинчи нуқтадаги ҚТ тоқининг қуввати ВМГ-133 ВМГ-6Т ВМГ-10 енгил типли учиргичлар 6 кВ кучланишда 250 МВА дан ва 10 кВ ли кучланишда эса 350 МВА дан ошмаслиги керак.

Агар бу шарт бажарилмаса маҳсус чоралар қўллаш (линия ва трансформаторлар алоҳида ишлаш, гуруҳий реакторларни урнатиш, юқори индуктив қаршиликли трансформатерларни қўллаш ва х.к).

Юқори кучланишли ҚТ тоқларнинг ҳисоби нисбий бирликларда олиб бориш зарур. Агар ҳисобий қаршилик 3 дан кам бўлса, ҚТ тоқлари АРВ ли генераторлар ҳисобий эгри чизиқлар бўйича аниқланади, акс ҳолда ҳисоблар қуввати чекиз бўлган манба учун амалга оширилади. Қуйи кучланишда ҚТ тоқининг ҳисоби номли бирликларда цех трансформаторининг актив қаршилигини, қуйи томондан шиналарни, ток трансформаторларни ва бошқаларни ҳисобга амалга олиши лозим.

Қисқа туташув тоқларнинг ҳисоби натижалари қисқа туташув тоқларга бағишланган бўлимни яқунловчи жадвалда келтирилади:

Ҳисобий нуқта	Қаршилик натижавий ёки ҳисобий	I	i _y	I _y	I _{co}
K-1					
K-2					
K-3					

Қисқа туташув давомида уни бошланиши то шикастланган участканинг ўчириш моментигача занжирда ўтиш жараёни оқиб ўтади. Қисқа туташув манбаси бўлиб турбогенераторлар ва гидрогенераторлар, синхрон компенсаторлар ва двигателлар бўлади. Қисқа туташув тоқларини ҳисобида қуйидаги катталиклар аниқланади:

I_n – ҚТ токнинг даврий ташкил этувчисининг бошланғич эффектив қиймати;

i_3 – қисқа туташув токнинг зарб токи, электр аппаратларни, шина ва изоляторларни динамик бардошлилигига текшириш учун керак бўлади;

I_y – қисқа туташув давридаги эффектив қийматининг энг катта эффектив ҚТ токи, биринчи давр мобайнидаги электр аппаратларнинг электродинамик бардошлигини текшириш учун керак;

$I_{0,2}$ – ҚТ токининг $t=0,2$ с даги оний қиймати;

I_∞ - ҚТ токининг турғун режими учун эффектив қиймати, ўчиргичларни текшириш учун керак. Ҳисобий эгри чизиклар ёрдамида қисқа туташув нуқтасидаги токнинг ҳисоби аниқланади. Бу эгри чизиклар ҚТ токнинг ҚТ занжирининг ҳисобий қаршиликларга неча маротаба катталигини кўрсатади.

$K(t) = f(X_{рез})$

S_6 – базавий қувват, U_6 – базавий кучланиш сифатида ҚТ токи ҳисобланаётган нуқтанинг ўртача кучланишини олиш мумкин.

I_6 – базавий ток, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_6 = S_6 / \sqrt{3} U_6 \quad (58)$$

Реактив ва актив қаршиликлар қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$X_{6л} = x_0 \cdot l \cdot (S_6 / U_6) \quad (59)$$

$$r_{6л} = r_0 \cdot l \cdot (S_6 / U_6)$$

бу ерда: r_0 , x_0 – линиянинг 1 км узунлигига тўғри келадиган актив ва индуктив қаршиликлар l_0 – линиянинг узунлиги (км).

Агар қабул қилинган базавий қувват таъминот манбасининг номинал қувватига тенг бўлмаса, эгри чизиклардан олинган умумий қаршиликни формула орқали аниқлаш мумкин:

$$X_p = X_{рез} \cdot (S_n / S_6) \quad (60)$$

бу ерда: S_n – ҚТ жойидаги таъминот манбасининг қуввати.

S_6 – базавий қувват (МВА)

Зарбавий токнинг амплитуда қиймати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_3 = k_3 \cdot \sqrt{2} \cdot I \quad (61)$$

бу ерда k_3 – зарб коэффициенти.

Қисқа туташув биринчи давридаги эффектив қийматининг энг катта эффектив ҚТ токи дейилади ва у қуйидагича аниқланади:

$$I_3 = I'' \cdot \sqrt{1 + (2k_3 - 1)^2}$$

$$k_3 = 1,8 \quad I_y = 1,52 I \quad i_y = 1,68 \cdot I_y$$

Электр аппаратлар, изоляторлар ва ток ўтказувчи қисмларни танлаш

Электр аппаратлар, изоляторлар ва ток ўтказувчи қисмларини ишлаш жараёнида урта асосий режимда ишлашади: давомли режимда, ўта юкланиш режимда ва қисқа туташув режимда. Давомли режимдаги аппаратлар, изоляторлар ва ток ўтказувчи қурилмаларнинг ишончли иши номинал кучланишни номинал ток бўйича тўғри танлашни таъминлайди.

Ўта юкланиш режимда аппарат ва бошқа қурилмаларнинг ишончли ишлаши кучланишнинг ёки тоқларни катталигини ва ошишини давомлигини чегаралаш шундай оралиқларда бўлиши керакки, бунда электр қурилмаларининг нормал ишини таъминлаши зарур.

Қисқа туташув режимда электр аппарат, изолятор ва ток ўтказувчи элементларни қисқа туташув токи таъсирга чидамлилигини, яъни термик ва динамик турғунлигини ҳисобга олинади.

Лойиҳада электр таъминотини ҚТ тоқларга текширишни фақат бир аппаратнинг тури учун бажарилади: юқори кучланишли ўчиргич, ажратгич, бўлгич, қисқа туташтиригич, ток трансформатори, кучланиш трансформатори, йиғма шиналар, кабел ва ҳ.к.

ЭКТҚ га асосан эгилувчан сақлагичлар билан ҳимояланган аппаратлар ва ўтказгичлар ҚТ токи таъсирга текширилмайди.

6-10 кВ ли цех трансформаторларнинг юқори томонида коммутация аппаратининг тури трансформаторнинг қувватига боғлиқ. ҚТ қуввати 200 мВА юқори ҳолда трансформаторнинг номинал қуввати қийматидан қанъий назар юқори кучланишли ўчиргич ажратгичи билан ўрнатилади. ҚТ қуввати 200 мВА дан кичик бўлса, номинал қуввати 630 кВА ва ундан кичик цех трансформатор занжирига сақлагичи билан ажратгич ўрнатилади. 1000-1600 кВА номинал қувватли цех трансформатор занжирига сақлагичли юклама ўчиргичи, трансформатор катта қувватли бўлса-сақлагичли юқори кучланишли ўчиргич ўрнатилади.

Аппаратларнинг айрим турларини ва ток ўтказувчи қисмларнинг танлаш ва текшириш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. Ажратгич:

$$U_H \geq U_{H.K}, \quad i_H \geq i_3$$

$$I_H \geq I_{X.K} \quad I_t > I_\infty \cdot \sqrt{t_\infty / t}$$

Бу ерда:

U_H - аппарат ёки ток ўтказувчи қисмнинг номинал кучланиши;

$U_{H.K}$ - қурилманинг номинал кучланиши;

I_H - аппаратнинг номинал токи;

$I_{X.K}$ - қурилманинг ҳисобий токи;

i_H - динамик чидамлилиқнинг номинал токи;

i_3 - қурилманинг ҚТ зарб токи;

I_t - каталогларда 1,5, 5 ёки 10 сек турғун термик тоқларнинг миқдори

I_∞ - қурилманинг ҚТ турғун токи;

t_∞ - чексиз ёки келтирилган вақт, сек.

2. Бўлгич ажратгич сингари шартлар бўйича танланади ва текширилади.
3. Қисқа туташтиргич шу ажраткич сингари шартлар бўйича танланади, номинал ток бўйича танлашни қўшиш мумкин.
4. Юклама ўчиргичи худди шу шартларга асосан танланади ва текширилади, ўчира олиш қобилиятини қўшимча қилиш мумкин.

$$I_{H_{yч}} \quad I_{X''}$$

$$S_{H_{yч}} \quad S_{X''}$$

бу ерда: $I_{H_{yч}}$ - ўчириш номинал токи

$S_{H_{yч}}$ - ўчириш номинал қувват

5. Юқори кучланишли ўчиргични танлаш ажратгич сингари шу шартларга асосан танланади ва қўшимча узиш қуввати билан қиёсланади:

$$I_{H_{yч}} \geq I_{X''}$$

$$S_{H_{yч}} \geq S_{X''}$$

бу ерда: $I_{X''}$ - қисқа туташув нуқтасидан ўтадиган зарб токи

$S_{X''}$ - ҳисобий узиш қуввати.

6. Сақлагич танлаш ва текшириш юқори кучланишли узгичлар учун кўрсатилган тартибда бажарилиб, қўшимча қилиб динамик чидамлилиқ, бўйича текширилади.

7. Ҳаволи автоматларни танлаш ва текшириш юқори кучланишли ўчиргичлар учун кўрсатилган тартибда бажарилиб, динамик ва термик чидамлилиқ бўйича текширилади.

Ўчиришнинг максимал узиши мумкин бўлган ток ўчиргич ўрнатилган нуқтадан ўтадиган зарб токи билан қиёсланади:

$$I_{H_{yз}} \geq I_{з}$$

бу ерда: $I_{з}$ - ҚТ зарб токи.

Ток трансформаторлари номинал ток, номинал кучланиш, иккиламчи чўлғамнинг юкламасига боғлиқ бўлган аниқлик даражасига қараб қабул қилинади.

$$U_H \geq U_{H_3}$$

$$I_H \geq I_{X_3}$$

